

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

## Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

### ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 сентябрь кuni Япониянинг тезкор ахборот ва тадқиқот жамғармаси раиси Юичиро Нагатоми бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Сўхбатда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, бозор муносабатларига ўтиш шартлари килинаётган ишлар ҳақида фикрлашилди. Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилиши боис мамлакатимиз ҳақидаги ахборотларга қизиқиш тобора кучайиб бораётгани таъкидланди.

— Омиқдорлик япон халқига хос хусусият, — деди Ислам Каримов. — Мулоҳазакорлик, етти ўлчаб бир кесиб бизга ҳам қадимдан одат. Бироқ ҳамма нарсада меъёр бўлиши зарур. Менимча, биз билан ҳамкорлик қилишга интилаётган дунёга машҳур "Мицубиси",

"Марубени", "Мицуи", "Панасоник" каби компаниялар сустрашликка йўл қўймоқда. Фикримча, амалий ишга киришадиган вақт келди.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз раҳбарининг фикрларини маъқуллади. Хар жиҳатдан имкониятлари беқиёс Ўзбекистон билан Япония ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик тез орада самара беради, деб ишонч билдирди. Бу ишга ўзи ҳам қўлдан келганича ҳисса қўшажагини айтди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосари Ҳ. Султонов, Япониянинг Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси Ҳ. Магосаки ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎЗА).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ НАҚД МИЛЛИЙ ВАЛЮТАНИ ЭРКИН МҲОМАЛАДАГИ ВАЛЮТАГА АЛМАШТИРИШНИНГ ЧЕКЛАНГАН СУММАСИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини аҳоли томонидан эркин муомаладаги валютага алмаштириш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги 379-сон қарорини қисман ўзгартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, шу йилнинг 10 сентябрдан бошлаб "сум"ларни вақил қилинган банкларнинг ихтисослаштирилган алмаштириш пунктлари орқали эркин муомаладаги валютага алмаштириш суммаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бир жисмоний шахс (ёки унга тенглаштирилган резидент) ҳисобига 1994 йил охиригача (илгари алмаштирилган суммани назарда тутган ҳолда) 1000 АҚШ долларигачани ташкил қилиши мумкин.

2. Бундан буён нақд миллий валютани эркин муомаладаги валютага алмаштириш миқдорлари ва тартиби тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
**Н. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,  
1994 йил, 9 сентябрь.

### «ТАФАККУР» ЖАМОАТЧИЛИККА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тошкентда янги журнал — республика "Мазнавийат ва маърифат" жамоатчилик маркази нашри "Тафаккур" журналининг тақдими бўлди. Маросимни республика Президентининг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст оиди.

— Республика Президентининг Фармони билан "Мазнавийат ва маърифат" маркази ташкил этилганидан хабарингиз бор, — деди у. — Фармонда мазкур марказ қошида журнал нашр этиш ҳам қўзда тутилган эди. Бугун ана шу "Тафаккур" журналининг нишона" сўзи қўлимизга тегибди. Бу адиблар, олимлар, аниқлар, бутун жамоатчилик ҳаётда қувончли воқеадир. Уйлашимки, журнал жамиятнинг барча қатламларининг куч-ғайратини бирлаштиришга хизмат қилади, адолат тамойиллари ҳамма нарсадан устун бўлган маърифий жамият тузишмида бизга йўлроқ бўлади.

Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Орипов журнал жамоатсини, жамоатчилик вакиллари қувончли воқеа билан самимий қўллади.

Шунингдек, сўзга чиққанлар журналининг нишона сони қисқа вақтда дунё юзини қўришда камарбаст бўлган ижодкорлар, журналистлар, аниқсиз матбаа ходимлари меҳнатини таъкидлади. "Тафаккур" фикр минбар бўлишига, бой маънавий меросимини, асрий кадриятларимизни тарғиб этишига, тараққиётнинг ўрнини, миллий маърифатимизни шакллантириш, келажак буюк давлат барпо этиш йўлидаги фикру уйлариимизни, орзу-истақларимизни ўзида муқаммас этишига ишонч билдирди.

Маросимда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

(«Тафаккур» журналига оид мақолаларни 4-бетда ўқийсиз).

### «Ҳосил — 94»

### ТЕЗКОР ГУРУҲ ХАБАР БЕРАДИ

### «Ҳосил — 94»

**• БҮКА**  
**ХИРМОНГА ТУША БОШЛАДИ**

Бўка тумани хўжаликлариди ҳам пахта йигим-терими уюшқоқлик билан бошланиб кетди. Кунни кеча 1994 йилнинг биринчи ҳосил қарвонлари қабул пунктлари томон йўл олди.

Бўка пахта тозалаш заводи олдида биринчи ҳосил қарвонлари шарофати тантанали маросим бўлиб ўтди. Сўзга чиққан туман ҳокими Б. Махситов ва бошқа нотиклар йиғилганларни илк ҳосил тўйи билан муборакбод қилдилар. Мазкур тadbирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Й. Тожибоев қатнашди.

Шу кунни ташкил этилган биринчи ҳосил қарвониди тумандаги деярли барча хўжаликлар қатнашди.



**• ЧИНОЗ**  
**ВИЛОЯТИМИЗ**

"оқ олтин" далаларида қўл терими кундан-кун кизиб бормоқда. Фидойи теримчиларимиз хар кун эл хирмонига қўлаб дур териб топшироқдалар. Улар ўртасида меҳнат муСОБАКАСИ тобора авж олмақда. Чиноз туманидаги "Йўл тушган" жамоа хўжалигининг 2-бригадасида пахта тараётган Мамлакат Очилова ана шундай чевар теримчиларнинг биридир. Унинг кунда терган пахтаси 110-120 килограммга етмоқда.

Суратда: илгор теримчи Мамлакат Очилова.

**Д. АҲМАД**  
олган сурат.

### ШИРКАТДА ТЕРИМ АВЖ ОЛИБ КЕТДИ

БЕКОВОД туманидаги "Сарюз" ширкатлар уюшмаси дехқонлари мавсумда 600 гектар пахта майдонидан 1200 тонна хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Шундан 800 тоннаси машиналар билан, қолгани қўлда териб олинди. Шу кунларда пахтазорларда қўл терими кизгин олиб борилмоқда.

Хўжалик аъзолари ҳамма соҳада тadbиркорлик билан иш юритишяпти. Пахтакорлар меҳнатини рағбатлантириш йигим-теримда ҳал қилувчи омил эканини улар яхши билишади.

— Теримчи ва механизаторларимиз меҳнатини рағбатлантиришнинг янги шартларини ишлаб чиқдик, — дейди уюшма раиси Х. Ибайдуллаев. — Теримчиларга терган хар килограмм пахтаси учун 50 тийиндан, механизаторларга хар тонна пахта учун 10 сўмдан ҳақ тўлаймиз. Мусобақага хар беш кунликда яқун ясалади. Голбларни моддий ва маънавий тақдирлаймиз. Йиллик режани биринчи бажарган участкага 1000 сўм, участка бошлиғига эса, тўлик бир ойлик маоши ҳажмида пул мукофоти берамиз. Режасини иккинчи бажарган участкага 700 сўм, участка бошлиғига бир маошининг 70 фоизи ҳажмида пул мукофотлари топширамыз. Йил охирида эса, пахта мавсуми голибларини яна қимматбаҳо тортиқлар кўтапти.

Кўришиб турибдики, пахта далаларида жавлон уриб меҳнат қилиш учун пухта асос бор. Бу айти вақтда йигим-теримда суръатта ишончли қанот бағишлайди.

**Ҳ. НОСИРОВ.**

### • ЮКОРИЧРИК ДАЛАДАН... ЗАВОДГА

Юкоричриқ тумани "Юкоричриқ", "Ийк ота" жамоа пахтакорларининг аҳдлари бу йил хар қачондиган ҳам юксак. Она-юртимиз хирмонига 18 минг 800 тонналик улуш қўшиш учун даладарда меҳнат авжига чиқди. Хўжаликларда терим машиналари мавсумга шай қилиб қўйилди. Қўл теримчилари орасида эса хар йил-гидек мусобақалар ташкил этилди.

Утган кунни туман аҳолиси йигим-терим уюшқоқлик билан бошланганлиги даракисини бўлган аъёнларнинг пахта қарвонлари тантанасига тўпландилар. Йиғилганларнинг нигоҳи дастлаб пахта заводи дарбозаси олдида турган машиналар тизимига — "Гулистон", Аҳмад Яссавий номли,

этиш юзасидан эздаек тарғиботи бошлаб юборган эдик, — сўхбатга қўшилади Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги раиси Абдумажид Машаапов. — Қариялар ҳам четда қараб турмаймиз дейишмоқда.

Мазкур тadbирда вилоят ҳокими муовини Х. Ҳамидов, вилоят пахта саноати бошқармаси бошлиғи Р. Бўриевлар ҳам сўзга чиқдилар ва пахтакорларни табриқладилар.

Мирзахўжа Қалқулов қисқача нутқ сўзлаб, пахтакорларни дастлабки ҳосил қарвонлари билан қўллади, меҳнаткашларни уюшқоқлик кўрсатиб ишлашга даъват этди.

Мамлакат Очилова ана шундай чевар теримчиларнинг биридир. Унинг кунда терган пахтаси 110-120 килограммга етмоқда.

Суратда: илгор теримчи Мамлакат Очилова.

**Д. АҲМАД**  
олган сурат.

### • ЯНГИЙЎЛ КУНДА 100 КИЛОГРАММДАН

Янгийўл туманидаги "Тинчлик" жамоа хўжалигида бу йил қўл теримига ҳам пухта тайергарлик қўрилди. Теримга жамоа хўжалиги аъзолари ва шу ҳудуддаги аҳолини сафарбар этиш бўйича тadbирлар ишлаб чиқилди. Булар ўзининг самарасини бера бошлади. Хўжалик далаларида теримчилар сафи кўндан-кунта кенгайиб борапти. Аиникса илгор теримчилар Гулрайхон Аристонова, Қўзибуви Мирзаева, Умида Бойматовна, Кунтош Қозоқбоевалар кунда хирмонга 100 килограммдан тўкиб барчага намуна бўлмоқдалар. Уларнинг хар бири мавсумда 5—8 тоннадан "оқ олтин" териб беришга аҳд қилишган.

Қўл терими Абдурашид Умаров, Икром Назаров, Қажрамон Тўлаганов ва Ҳайдарали Аскарқоров бошлик звеноларда, аиникса, уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хўжалик бўйича бу йил 2550 тонна пахта ҳосили йиғиб териб олинади. Бу ерда теримчилар меҳнати муносиб рағбатлантириб борилмоқда. Уларнинг терилган хар килограмм пахтага 45 тийиндан ҳақ тўланмоқда.

**А. РИХСИБОВ.**

### • ПАХТАКОРГА — ҲАММА МАДАДКОР

### БИЗ ҲАМ БИР ТАН

Биз ҳам дехқонимиз. Сабзавот етиштирмай. Чорвачилик билан шуғулланамиз. Хар йили баҳоли қудрат ва соҳадаги режаларимизни бажариб келямиз. Лекин, Ўзбекистон заминиди яшаб, шу заминда тирикчилик қилиб, бола-чақаб боқаятганимиз учун биз ҳам қўл ҳолларда пахтакорлар дарди билан яшаймиз, хар йили уларнинг ишларини кузатиб борамиз. Аиникса, йигим-терим мавсуми бошлангач, кўнглимизнинг бир бўлаги ўша ҳамқасб биродарларимизда бўлади. Мана, кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "1994 йилги пахта ҳосили йигим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш чоратadbирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Қарорда пахтакор меҳнати кадрди яна ҳам баланд кўтарилганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Пахта ҳосилининг сорти ва типлари бўйича харид нархлари оширилди. Мавсумда теримчиларга, механизаторларга рағбатлантирилган ҳақ тўлашининг аниқ йўллари кўрсатиб берилди.

Биз аминимизки, бу қарорнинг бекаму-қўст ва изчил бажарилиши бу йилги мавсумни гоятда уюшқоқлик билан ўтказиш, режани бажарибгина қолмай, ўтган йилги қарзини ҳам узиш имкониятини беради. Чунки, эшитиб турибмизки, пахтакорларимиз йил бошиданқоқ яхши меҳнат қилишяпти. Даладарда мўл, эртаги, сифатли ҳосил етиштирилди. Энди ҳамма гап ана шу ҳосилни ўз вақтида, егин-сочинли кунларга қодирмай йиғиб-териб олишда қолгандир. Бунинг учун хар йилгидек, бу йил ҳам биз ўзимизни пахтакорлар билан бир тан, бир жон деб, ҳисоблаймиз. Тўғри, йигим-терим кизгин паллага кирган даврда бизнинг хўжалигимизда ҳам ишлар тизиб бўлади. Лекин вазият талаб қиладиган бўлса, биз ҳам имконият топиб, пахта ҳосилини барвақт йиғиб-териб олишда пахтакорларга қўлимиздан келганча ердан берамиз. Бунни ўзимизнинг виждоний бурчимиз, деб биламиз.

**Б. ФОЗИЛОВ,**  
Зангиота туманидаги "Наврўз" жамоа хўжалиги раиси.

### КЎЧМА АМБУЛАТОРИЯ — ПАХТАЗОРДА

Вилоятда пахтакорларга тиббий хизмат кўрсатувчи кўчма амбулатория хайрли сафарга отланди.

— У республикамиз Мустақиллик кунни — 1 сентябрда ташкил этилган эди. — деб хабар қилади Оққўрғон тумани марказий шифохонасининг бош врачди Зиед Гиевов. — "Оқ олтин" хирмони бунёдкорларига бевосита даланинг ўзида тиббий ердан кўрсатишни мақсад қилиб қўйган бу ўзига ҳос кўчма шифохонада ўн нафар тажрибали тиббиёт ходими иш олиб бормоқда. Кўчма амбулатория барча зарур тиббий анжомлар ва дори-дармонлар билан етарли таъминланган.

### БУ ЙИЛ ҲАМ КЎМАК БЕРАМИЗ

Пахта — ўлкаимизнинг меҳнат тўйидир. чиндан ҳам улкан, бебаҳо Дехқонларимиз йил бўйи бойлиги. Юртимиз далада тер тўкиб етиштирган фаровонлиги, давлатимиз "оқ олтин" йиғиб-териб ихтисодий куч-қудрати кўп олинаётган теримнинг хар бир жиҳатдан ана шу "оқ олтин"имиз хирмонларининг қут-баракасига боғлиқдир. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, пахта йигим-терими бутун юрт-элатнинг ватанпарварона иши, тўғри англаган ҳолда хар йили ишларида фаол иштирок тумандаги "Гулистон", этганимизни ҳисобга олиб, "Маданият" жамоа туман ҳокимлиги жамоамизни хўжаликларига пахта теримига фахрий ердик билан чиқамиз. Дам олиш кунлари ва муқофотлаган эди. Бу йил ҳам ишдан бўш вақтларда бўш келмаймиз. Жамоамизда 35—40 киши Пахтакорларимизга яқиндан даладарга чиқиб, кўмак берамиз.

**Мирзаали БЕРДИБЕКОВ,**  
Оққўрғон тумани солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

### ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### • Ўзбекистон—Голландия "МАҚСАДИМИЗ — УЗОҚ МУДДАТ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ"

ТОШКЕНТ вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган қабулда Голландиянинг "АЕС Холланд групп" компанияси раҳбари Карл Альберс кишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш дастури ҳақида гапирганда шу фикрни билдирди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. Рўзиев олиб борган бу учрашувда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг масъул ходимлари, қатор туманлар ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари, сабзавотчилик жамоа хўжаликлариди раислари қатнашдилар. Унда Голландия кишлоқ хўжалик технологиясини вилоят хўжаликларига жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди, кўпчилигининг фикри бўйича бу янги, ниҳоятда истиқболли ишда пайдо бўлаётган муаммолар кўриб чиқилди. Вилоят хўжаликларининг раҳбарлари вилоятда картошка етиштиришнинг барча технологияларини — картошкани экишдан, уни йиғиб-териб олиш, ташши ва сотишгача бўлган жараёнларни шакллантириш лозимлигини таъкидладилар.

Хозирги вақтда Тошкент вилоятда картошка етиштиришнинг Голландия технологияси 4 та хўжаликда жорий қилинган. Унинг умумий майдони 600 гектарни ташкил этади.

Учрашувда Голландия кишлоқ хўжалик технологияси Ўзбекистонда тажриба босқичидан ўтди деган фикр билдирилди ва уни кенг омалаштириш мумкинлиги қайд қилинди.

(Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисоботи газетанинг кейинги сонларидан бирда ўқийсиз).

### • КОНЧИЛАРГА ҲАДЯ

Бекободаги Ўзбекистон металлургия заводидаги эоздирпрокат станциянинг иккинчи навбати ишга туширилиши билан 40 миллиметрдан 80 миллиметрда диаметрдаги қуйма эоздирларни ишлаб чиқариш лойиҳада мўлжалланган даражага етди. Бу эоздирлар кон-руда ва кон-металлургия саноати корхоналарида каттик жинсларни майдалаш учун қўлланылади.

Хозир металлургия бир кеча-қундада 300 тонна эоздир ишлаб чиқармоқда. Бу инқилор илгари ташқаридан келтириладиган махсулотга бўлган эҳтиёжни тўла қондиради. Муаммонинг кескинлиги курувчиларни ҳам, монтажчиларни ҳам шонлишига мажбур этди: оладди ихки ярим йил сарфланиши лозим бўлган курилиш бир ярим йил ичиди тугалланди.

(ЎЗА муҳбири).

### "МОВИЙ ГУМБАЗ" ХИЗМАТ ҚИЛА БОШЛАДИ

АНГРЕНДА умумий оқватланиш тармоқларини кенгайтириш давом этмоқда. Республикаимиз мустақиллигининг уч йиллик қутлут байрами арафасида яна битта ана шундай маскан ўз эишларини очди.

Миллий меъмориликнинг аjoyиб аъёнларини асосида тикланган емакхона биноси ўз жозибаси, кўркамлиги билан ажралиб туради. Унинг томи қадимий иморатлардаги каби гумбазсимон қилиб ишланган. Номи ҳам ўзига, қўринишига монанд "Мовий гумбаз" мана бир ҳафтадан ошмирок вақтдан бери ҳўранчалар зимматиди. Хар кун юзлаб ангреликлар бу ерда таёрланган миллий таомларни танавул қилмоқдалар. Кафе пазалалари уларга маданий хизмат кўрсатишга астойдил интилишяпти.

**М. ҲАМИДОВ.**

### ТАЛАБАЛИК МУБОРАК, ЁШЛАРИ

"Халқимизда "Қувонч хамиша қувонч олиб келади", — деган гап бор. Бу бежиз айтилмаганлигига, юртимизда яхши кунлар, тўю-тантаналарнинг кўпайиб бораётганлигига Тошкент Давлат аграр университетиди толибу домларани яна бир бор амин бўлишимиз. Ўзбекистонимизнинг мустақиллик тўйи бу ерда эрл шондона билан нишонланган эди. Кунни кеча эрл илмиҳода Тошкент Давлат аграр университети талабаси номини олган 400 нафар ёшларни қўллаш маросими бўлиб ўтди. Уларга талабалик хўжатлари топширилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими А. Маматов, вилоят ҳокимининг муовини Х. Ҳамидовлар иштирок этишди.

### "ЭКОСАН" ХАЙРИЯСИ

Халқаро "Экосан" жамғармаси вилоят бўлими ходимлари истиқлолимизнинг уч йилги арафасида Тошкент туманидаги Шредер номли богдорчилик-узумчилик институти богларида етиштирилган сархил мева-чева махсулотлари билан республика онкология шифохонасида даволанаётганларни йўқладилар.

— Янгийўл туманидаги У. Юсупов номли "Халқобод" богдорчилик-узумчилик бирлашмаси билан тузилган шартномага мувофиқ улар бизга кузнинг но-ҳеъматлари, мева-сабзавот махсулотлари етказиб берамоқдалар, — дейди "Экосан" жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи А. Абдуллоқов. — Биз уларни вилоят сил касаллиқлари ва онкология шифохоналарига, Семашко номлидаги республика касалхонасининг боалар бўлими даволаувчиларига харна мадор бўлсин дег ташриқлар. Шунингдек, 10 минг сўмлик миқдордаги эн зарур дори-дармонлар Бекобод ва Ангрэн шаҳарлари, Янгийўл тумани дорихоналарида эрзон нархларда берилди.

**З. ЖўРАЕВА.**

# ХОРИЖ БИЛАН ХАМКОРЛИКДА

МУСТАКИЛЛИК берган неъматлар жуда кўп. Серкүе республикамиз учун ташки дунё дарвозаларининг кенг очилиши, қадимий ва айни вақтда ўз эркини кўлга олган еш давлатимизнинг халқро майдонга жадал ва катта ишонч билан кириб бориши шуларнинг биридир. Эндилкида тарихи бой дьеримизнинг овози кайтадан курран замин узра баралла янграмоқдаки, бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Республикамиз Президентини, ҳукуматимиз олиб боратган оқилона ташки ва ички сиёсат иқтисодий соҳада чет эллик шериклар билан кўп тармоқлар бўйича алоқаларнинг йўлга қўйилиши ва тобора мустахкамланишига, унинг янги-янги кирралари намоен бўлишига олиб келмоқда. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохот, чет эл сармоядорларининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча қўлай шароитларнинг яратиб берилиши вилеятимизда ҳам хоржий фирмалар билан турли соҳаларда ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва кенгайишига йўл очмоқда.

Хозирги вақтда вилеятимиз шаҳарлари ва қишлоқларида чет эллик шериклар билан бирга барпо этилган ўнаб қўшма корхоналар мавжуд. Уларнинг йигирма тўққизтаси ишлаб турипти. Бу корхоналарда халқимиз эҳти-ежлари учун асқотадиган турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилапти.

Шу йилнинг ўтган даврида ҳам анчагина миқдорда шундай маҳсулотлар тайёрланди. Уларнинг жами хажми эса кўрб беш ярим миллион сўмликдан ҳам ортиб кетди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот асосан истеъмол молларидир. Тикучилик ва трикотаж буюмлари, бинокорлик материаллари, озиқ-овқатлар ва бошқа шу каби кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотлар уларнинг кўпчилигини ташкил этади.

Чет эл фирмалари ва компанияларининг вилеятимизда турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга интилиши кучайиб бораётганидан далолат берувчи яна бир мисол келтириш мумкин. Фақат ўтаётган йилимизнинг биринчи ярмида ўн битта янги қўшма корхона ишга туширилди ва улар турли-туман халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ўзлаштирилади. Қатор хоржий фирмалар ва компаниялар билан иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиш учун музокаралар олиб борилди. Уларнинг аксарияти бўйича у муваффақиятли аяунланди.

Чунончи, Япониянинг «Томэн корпорейшен» фирмаси билан Бекободда пахтаи кайта ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхона курилади. Туркиянинг «Язекс Текстиль» ширкати билан Окқўрғон туманида «оқ олтин»ни кайта ишлайдиган ишлаб чиқариш мажмуи барпо этилади. Шу давлатнинг «Бурсель» фирмаси билан эса Бекобод ва Уртачирчик туманларида устки ва ички трикотаж кийимлари тайёрлайдиган иккита қўшма корхона ташкил этиш ҳақида келишиб олинди. Исроилнинг «Мерхез», Голландиянинг «Ака-ука Беккерлар» фирмалари билан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва кайта ишлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. Болгариянинг Варна округи ва вилеятимиз ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиб бориши ҳақида аҳдлашиб олинди.

Ташки иқтисодий алоқалар кенг маънолидир. Бу фақат чет элликлар сармояларини иқтисодиетимизга олиб келиши, улар билан қўшма корхоналар барпо этишдан иборат эмас. Албатта, бунини фаолиятимизнинг энг асосий йўналишларидан бири дейиш мумкин. Айни вақтда бошқармаимиз жамоаси экспорт-импорт ишлари билан ҳам шуғулланади.

Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакики, Президентимизнинг экспортга маҳсулот чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган Фармонлари ўз самарасини бера бошлади. Вилеятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг чет эллик харидорлари кўпайиб бормоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида ташки савдо обороти салкам ўттиз саккиз миллион америка долларини ташкил этди. Бу эса олдинги йилнинг шу давридагига нисбатан деярли бир юз ўттиз фоизни ташкил этади.

Вилеятимиз саноат корхоналари кўлаб ва турли-туман маҳсулотларни хоржий мамлакатларга етказиб берди. Чет элларга сотилган бундай маҳсулотлар ичиде минерал ўғитларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Унинг жами хажми 29 минг тоннани ташкил этди. «Оқ олтинимиз» харидорлари сафи эса йил сайин ортиб борапти. Уларга етказиб берилган пахта толеси йигирма минг тоннадан ошиб кетди. Ёки қора металл олиб кўралик. Унинг хоржидаги мижозлари сафи кенгаймоқда. Улар ўтган ярим йилда 29,4 минг тонна металлни сотиб олдилар.

Экспортда бошқа киме саноати маҳсулотлари ҳам бор. Умуман экспорт миқдоси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пахта толеси бўйича 4 минг тонна, қора металл бўйича 4,4 минг тонна, киме маҳсулотлари бўйича эса 1,6 минг тонна ортди.

МДХ республикалари билан олди-берди соҳасидаги ишлар ҳам давом этмоқда. Уларга юборилган маҳсулотлар эвазига вилеятимиз учун зарур бўлган нарсалар олинмоқда. Шу даврда вилеятимизга 47 минг 320 тонна енгил-мойлаш материаллари, салкам ўттиз минг тонна будгой, 1305 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 6222 тонна қанд-шакар келтирилди.

Ташки иқтисодий алоқалар бундан буён ҳам кенгайиб боришига шубҳа йўқ. Республикаимизда, шу жумладан вилеятимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, тадбиркорликни, шу жумладан чет эллик сармоядорларни кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, улар учун хар томонлама қўлай шароитларнинг яратилаётганлиги ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини ривожлантиришга олиб келади. Бу эса хоржий мамлакатлар фирмалари ва компаниялари билан ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб катори экспорт-импорт ишларининг ривожланишига ердан беради. Бошқармаимиз мутахассислари эса бу олийжаноб мақсаднинг рўёбга чиқишига ўзларининг муносиб хиссаларини қўшиш йўлидаги куч-ғайратларини янада кучайтирадилар.

**А. РАҲМОНБЕРДИЕВ,**  
Республика Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигининг Тошкент вилеяти бошқармаси бошлиғи.

ЯҚИНДА хизмат юзасидан юксак тараққиёт палласига кирган хоржий давлатлардан бирида бўлдим. Хар бир ўлканинг ўзига ҳос сеҳри бўлади, дейишди. Ҳаққи рост гап. Бу ажиб дьернинг киши хаелини олиб қоцадиган, илкис туйғу ичра бир олам узак бағишлайдиган томонлари ўзига ярашиқ. Бу ўз йўлига. Лекин, менинг эътиборимни торган нарса шу бўлдики, бу юрт автомобиль йўлларининг ўта ҳавас қилгудек текис ва раволиғидир. Узга юртада насиб этса, албатта, вилеятимиз йўл курилиши захматқашларининг иши билан яқиндан танишишни кўнглимга тугиб қўйгандим. Этан, йўл курилиши иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилилардан бири эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шу мақсадда Янгийўл йўл курилиши бошқармаси томонидан амалга оширилаётган айрим ишлар билан танишдик.

Янгийўл туманидан Тентаксай канали оқиб ўтади. Узоқ тарихга эга бўлган бу ариқ аҳолига кўпинча ташвишлар ҳам келтириб туради. Шунинг учун ота-боболаримиздан ариққа қўйилган Тентаксай номи мерос қолган бўлса, ажабмас.

Бундан бир йилча бурун Янгийўл туманининг бошқа худудларини Болгабоев номи давлат ҳамда Чиноз туманининг «Эшонобод» жамоа хўжалиқлари билан боғлайдиган шу ариққа қўрилган кўприкни сув олиб кетди. Натижда шу худудда истикомат қилувчи аҳоли учун ортиқча ташвишлар вужудга келди. Бунинг олдини олишга бир қатор корхона ва ташкилотлар жалб қилинди. Лекин, ҳа дегадана иш бароридан келавермади.

Кўпчилик айланиб кўрсангиз кўнгилайдиган жойларини ҳам кўп учратасиз — дейди бошқарма бошлиғи А. Дониербеков. — Йўлларимизнинг ўйк-ўйкчи ҳолатга тушишининг бир қанча сабаблари бор. Илгари йўллар учун етқизилмаган асфальтларнинг сифати талаб даражасида эмас эди. Иккинчидан, кўпчиликнинг йўлларимизга бўлган бепарволиғи ҳам ана шундай ҳолатга олиб келмоқда. Эндилкида ишни шу зайилда

• Элим деб, юртим деб, ёниб яшасанг



олиб бориб бўлмайди. Хозирги давр талаби — тадбиркорлик билан иш юритиш. Шунинг учун биз тумандаги кўнгига 700—800 тонна асфальт—бетон

йўлларнинг раво эмаслиги ва текис бўлмаганлиги билан боғлиқ. Текис йўлда юрсанг эҳтиёт қисмлар узоқ мuddатга чидайди. Шунинг учун

қошида шлакоблок ишлаб чиқарадиган, йўл белги устунчалари, ҳар хил тўсиқлар тайёрлайдиган цехлар очдик. Янги устакчалар ташкил қилинди. Йил бошидан буён 24 киши иш билан таъминланди. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари ҳам кўриляпти. Бу борада ердими хўжалигимиз асқотмоқда. Бир гектар ерда боғ яратганмиз. Бу ерда 10 дан ортиқ қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштирилади. Бу маҳсулотлар ишчи-хизматчиларга тарқатилмоқда. Вақти-вақти билан арзон нарҳда гўшт берилмоқда. Булар меҳнат самарасини оширишга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, хозирги иқтисодий қийин шароитда тадбиркорлик билан иш юритиш қатор муаммоларнинг ечимини топишда катта аҳамият касб этади. Лекин, йўл қурувчиларининг иши ўта машаққатлидир. Биз кўпинча ана шу касб эгаларининг амалга ошираётган ишлари билан қизиқмаймиз. Аслида оғир кўл меҳнати фидойилари ана шу соҳада меҳнат қилишади. Уларнинг меҳнатини кадрлашимиз, кези келганда уларнинг туриш-турмушидан хабар олиб, ердими хўжалигимиз аямаслигимиз лозим. Ана шундагина кўзланган мақсадга тезроқ эришамиз.

Суратларда: (юқорида, чапдан иккинчи) бошқарма бошлиғи А. Дониербеков ишчилар билан суҳбатлашмоқда. Тентаксайда қўрилган янги кўприк (пастдаги сурат). Д. АҲМАД суратлари.

## ЙЎЛИМИЗ РАВОН — МУШКУЛИМИЗ ОСОН



йўлларимизни ҳар бир фуқаро кўз қорачиғидек асраши лозим.

Дарвоқе ўша кун Атахамбек ака билан машинада кетаяти бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Оғир занжир тишли бульдозер автомобиль йўли бўйлаб бермалол кетарди. У дарҳол ҳайдовчинини тўхтаиб танбеҳ берди, нималариндир тушунирди, қайда дафтарчасига эзиб қўйди.

Кўрдингизми, бир ҳайдовчининг бепарволиғи ана шу давлатимизга қанча зиён етказмоқда, — деди у. Раҳбарнинг ниҳоятда азият чекаётганлиги юз-кўздан билиниб турарди.

...Бошқармада 180 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бу йил режага кўра бошқарма 22 километр янги йўл қуриб, фойдаланишга топшириши керак. Айни пайтда 17 километрдан кўпроқ янги йўл асфальтланиб, йиллик режанинг асосий қисмини бажаришга эришилди. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақлари эса 350—450 сўмини ташкил этмоқда. Албатта, бунга осонликча эришилмаяпти.

— Айни вақтда биз янги ишчи ўринларини очиб чораларини ҳам кўрпимиз, — дейди А. Дониербеков, — Бошқарма

беириши мумкин. Бу сафар харбий тўқнашув икки урут оқсоқоллари аралашуви натижасидагина тўхтади.

### БОЗОРДА ПОРТЛАШ

ЎТГАН яқшанба кунини Барташен шаҳарчаси бозорчасида руй берган портлаш натижасида 10 киши оламдан кўз юмди ва 26 киши жиддий шикастланди. Бу бозор Арманстонга қарашли бўлиб, у Грузия, Озарбайжон ва Арманстон чегаралари туташган ерда жойлашган. Хабарларга кўра, халок бўлганлардан икки киши Озарбайжон фуқароси бўлган.

### КЕСИЛГАН ҚУЛОҚЛАР

ИРОҚДАГИ муҳолиф кучлар тарқатган хабарларга қараганда, мамлакат ҳукумати харбий хизматдан бўйин товлаганларга нисбатан янги жазо чораларини қўллаб бошлаган. 800 нафар ана шундай қочқоннинг қулоғи кесилган, айримларининг пешонасига тамга босилган.

Германиянинг «Опель» фирмаси муҳандислари янги фургон «Комбо» машинасини яратдилар. Унга беш киши жойлашади. 3130 килограмм юк кўтаради. Фирма бундай машиналарни шу йилнинг охирида сотувга чиқаришни мўлжалламоқда.

Тэйлор журналистлар билан бўлган мулоқотда яқин келажакда Куба жуда кўпий бозор вазифасини ўташи мумкин, деди.

### СПРАТЛИГА

#### ДАВЪОГАРЛАР КЎП

ЖАНУБИЙ Хитой денгизидеги Спратли ороллар туркуми ҳам ушбу минтақадаги давлатлар ўртасида бахсларга сабаб бўлаётган жуда хавфли нукта бўлиб турибди. Брунэй, Вьетнам, Хитой, Малайзия, Тайван ва Филлипин давлатлари ушбу оролларга давъотарлик қилишяпти. Брунэйдан ташқари барча давъотар мамлакатлар бу оролларда ўз қўшинларини сақламоқдалар.

### СОМАЛИДА ҲАРБИЙ

#### ТЎҚНАШУВЛАР

СОМАЛИДАГИ харбий-сиёсий гуруҳлар тўқнашуви натижасида 20 га яқин киши халок бўлди ва кўлаб одамлар жароҳатланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳодимларининг фикрича, бу ерда яна тартибсизликлар руй



### БОШ КОТИБ ДАВЪАТИ

АФГОНИСТОНДА президент Бурхониддин Раббоний билан бош вазир Гулбиддин Хикматер қўшинлари ўртасидаги тўқнашувлар давом этмоқда. Яқинда ана шундай тўқнашувларнинг бирида 80 дан ортиқ киши халок бўлди. Жанглар мамлакат пойтахти яқинидаги Лоғар, Самангон ва Вардак вилеятларида бўлиб ўтди, деб хабар беради ПАТА-ТАСС мухбирлари.

Шу орада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Голлий Афғонистондаги муҳолиф кучларни Қобул атрофида ракета ва тўплардан ўт очмасликка ҳамда пойтахт йўлларини инсонпарварлик ердими учун очиб қўйишга даъват этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Афғонистондаги барча кучлар раҳбарларини мамлакатда тинчлик ўрнатишга чақирди.

### ЙИГИРМА

#### ЙИЛДАН СЎНГ

БУЮК Британия ҳукумати делегацияси сўнги йигирма йил ичиде биринчи марта расмий сафар билан Кубага боришга қарор қилди. Савдо ва саноат вазирининг ўринбосари Иэн Тэйлор бошчилиғидаги тадбиркорлар Кубада қўшма корхоналар барпо этиш, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли режаларини муҳокама қилишни режалаштирмоқдалар. Сафар олдидан И.



**Бу ҳақда фаоллар йиғилишида гапирилган эди**

## ҲЕЧ КИМ УЙСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ табиий офатлардан зарар кўрган худудларига тоvon сифатида давлатнинг дастлабки тўлови — миллион сўм юборилди. Яқинда баҳор тошқинлари ва тупроқ кўчкиларидан зарар кўрган оилалар ўз бюджетларига қўшимча маблағ оладилар. Бу ракам фавқулодда ваэятлар бўйича ҳокимлик комиссиясининг навбатдаги мажлисида тилга олинди. Мажлисда қатор шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, фуқаро мудофааси ва фавқулодда ваэятлар бўлими вакиллари, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, геологлар катнашдилар.

Мажлисини вилеят ҳокимининг биринчи ўринбосари Л. П. Тернових олиб борди. Комиссия оилаларни хавфли минтақалардан кўчириш, зарар кўрганлар учун уй-жойлар куриш,

маблағлар ажратилаётганлиги бўйича кенг қўламадаги иш амалга оширилганлигини эътиборга олди. Вилеят матлубот жамиятлари уюшмаси киска мuddатларда кўчирилган оилаларни бинокорлик материаллари билан таъминлашни йўлга қўйди. Ҳокимликлар зарар кўрганларга сотилаётган бинокорлик материалларининг им-тиезли нарҳларини белгиладилар.

Давлат ташкилотлари эса янги курилиш жойларида зарур инфраструктура иншоотларини куришни ўз зиммасига олдилар. Масалан, Тошкент электр тармоқлари корхонаси ўз

резерваридан электр тармоқлари курилиши бўйича барча ишларни маблағ билан таъминлайди. Давлатмулкмухитисининг вилеят бошқармаси инженерлик иншоотларини барпо этиш учун кўпчи сўм ажратди. Олмалик кон-металлургия комбинатининг курилиш бўлималари зарар кўрган оилалар учун уй-жойларни жалал сурьталар билан қурмоқда ва шу йилнинг 1 декабрига келиб унга кўчиб кирилиши режалаштириляпти. Шу корхона зарур бўлган 2,5 километр узун-лиқтаги қувурларни ажратди.

Вилеят бинокорлик материаллари саноати корхоналари

ўз маҳсулотларининг бир қисмини зарар кўрганларга ердан жамгармасига бепул ажратдилар. Ҳокимликнинг янги курилишлар учун 492 та ер участкаси ажратиш ҳақидаги топширини бажарилиди. Шаҳарларга қўчиб бориш истагини биандирган оилалар хозирнинг ундаёқ 12 та квартира олдилар. Яна 42 та квартира тез орада куриб битказилади. Бўстонлик туманида эса автомобил йўллари ва кўприклар курилиши бошлаб юборилди ва давом этмоқда.

Комиссия мажлисида оилаларнинг бир қисмини илгари ўзлари яшаган жойларга қайтишлари мумкинлиги ҳақидаги

масала ҳам кўриб чиқилди. Гидрогеологларнинг таъсияларига кўра айрим оилалар егин-сонили куриш бошланғишига қадар эски жойларда яшашлари мумкин. Бироқ бундай ерларда зовулар қазиб, ерости сувларини қочириб лозим. Шунга қарамай кўз егингарчилиги бошланғиши билан оилаларни янги уйларга кўчиришни кайтадан бошлаш керак. Айрим оилаларнинг хавфли минтақаларга ўзбошимчилик билан қайтиб келиши холлари ҳам содир бўлди. Ёгингарчилик мавсуми бошланғишигача уларни хавфсиз ерларга кайтадан кўчиришга тўғри келади.

ташқари, йилнинг хар чорағида муқофотлар ҳам олдидлар. Биз бундай имкониятларга хомийларимиз кўпайганиги тўғрйли эришдик.

Дарҳақиқат, «Суръат»нинг хар сониде «Тулистон», Усмон Юсупов номи бурдоқчилик хусусий корхонаси, «Полиотдел», Жамбул номи, «Юричирчик», Янгибозор хўжалиқлари, Янгибозор хиссадорлик тижорат деҳқончилиқ саноат банки, «Сохибкор» ишлаб чиқариш корхонасининг хомийлар сифатида рўйхати бериб берилмоқда.

Янгибозор почта алоқа тармоғи, 34-мактаб, районлараро босмаҳона эса рўзномани обуначиларга етказиш жонкуярлари хисобланадилар.

«Суръат»да эътиборни жалб қилган яна бир омил — унинг бир саҳифаси қозоқ тилида босилишидир. Бу саҳифа материаллари ҳам ранг-баранг, ўқинишли. Муаллифлар орасида деҳқонлар, ишчилар, ўқитувчилар, оқинлар, «афгон»чилар, ўқувчилар бор. Садвалли ҲАСАНОВ.

### • Туман газеталари ҳаётидан

## «СУРЪАТ» САҲИФАЛАРИДА

ДАВР РЎҲИНИ халққа етказишда оммавий ахборот воситаларининг тарғиботчиси ва ташкилотчиси сифатидаги мавқеи тобора ошиб бормоқда. Бу борада Юқоричирчик туманининг ижтимоий-сиёсий газетаси «Суръат» саҳифаларида хўжалиқлар фаолияти бўйича йўқлама бошлаб юборилган эди. Шуниси диққатга сазоворки, хар бир жамоа хўжалиғига бағишланган саҳифа ўзига ҳослиги билан ажрალიб туради. Хусусан, «Юқоричирчик» жамоа хўжалиғи ҳақидаги саҳифа (1994 йил 23 июнь) кўпроқ хабарлар мазмунидан газетанин ижодий жамоаси бугунги кун талабларини хозиржавоблик билан илғаб олаётганлиқларини кўрсатади. Бу, айниқса, муस्ताқилликимизнинг уч йиллиғига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ мавзуларда яққол кўзга

ташланади. Республика Вазирлар Маҳкамаси бу санага тайёргарлик кўриш ва уни кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилиши биланок «Суръат» саҳифаларида хўжалиқлар фаолияти бўйича йўқлама бошлаб юборилган эди. Шуниси диққатга сазоворки, хар бир жамоа хўжалиғига бағишланган саҳифа ўзига ҳослиги билан ажрალიб туради. Хусусан, «Юқоричирчик» жамоа хўжалиғи ҳақидаги саҳифа (1994 йил 23 июнь) кўпроқ хабарлар мазмунидан газетанин ижодий жамоаси бугунги кун талабларини хозиржавоблик билан илғаб олаётганлиқларини кўрсатади. Бу, айниқса, муस्ताқилликимизнинг уч йиллиғига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ мавзуларда яққол кўзга

Истиқлол йиллари ичиде «Тулистон» жамоа хўжалиғи (1994 йил 6 август) иқтисодий, ижтимоий ривожланиш соҳасида бирмунча дадил одим ташлади. Кичик корхоналар сони мавжуд дўхтирхоналар енига кундузги шифохона қўшилди. Хўжалиқда фан билан ишлаб чиқариш ҳамкорлиғи яхши самаралар бера бошлади. Саҳифада ана шу утуқлар ҳақида батафсил хикоя қилинган. Мақолалар муаллифлари турли лавозимдаги кишилар. Уларнинг хар бири айёмга тайёргарлик ишлари ҳақида аниқ фикрлар баён қилганлар.

Газета «Сохибкор» ишлаб чиқариш корхонаси (1994 йил 13 август) фаолиятидан ҳам анча муваффақиятли саҳифа берган. Унда журналистлар фахрийлар ҳаётига кўпроқ жой

ажратишган. Кичик-кичик лавҳалар, хабарлар, меҳнат кишилари ҳақидаги илик, самимий таассуротлар газетaxonни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек «Жамбул», «Олга» «Полиотдел», «Аҳмад Ясавий», Охунбобоев номи жамоа хўжалиқларига бағишланган ва байрам сони саҳифалари ҳам ўқинишли, таъсирчан чиққан. Газетада мазкур хўжалиқлар фаолияти ҳақида хикоя қилинган саҳифаларда аҳолини мустақиллик йиллари ичиде ижтимоий ҳимоялаш мавзусига кўпроқ эътибор берилган.

— Иқтисодий мушқулликларини енгиш йўлида дадил ва ижодий изланувчанлик билан иш юритиляпти, — дейди газета муҳаррири Савдмаҳмуд Абдуллаев. — Шу боис хисобимизда маблағ ҳам бор. Ижодий ходимлар маошидан



